

У зотга мендан салом айт



08:00 / 05.11.2019 3043

Яҳё ибн Саъид айтади: «Уҳуд жанги куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким менга Саъд ибн Рабиъ ҳақида хабар келтиради?»** дедилар. Бир киши: «Мен, эй Аллоҳнинг Расули», деди ва бориб, жасадлар орасини айланди. Жасадлар орасидан кимнидир қидириб юрган кишини кўрган Саъд ибн Рабиъ унга қараб, «Нима қиляпсан?» деди. У Саъдни топганидан хурсанд бўлиб, «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени сиз ҳақингизда хабар олиб келиш учун юбордилар», деди. Саъд ибн Рабиъ: «Бориб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга мендан салом айт. Ўн икки жойимдан яраланганимни, аъзойи баданим тешилиб кетганини, ўликлар орасида ётганимни айт. Қавмингга етказгинки, агар улардан бирортаси тирик бўлатуриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлдирилсалар, Аллоҳнинг ҳузурида уларга узр йўқ», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан